

Янгабаева Дилноза Бахрамовна: «Иқтисодий ночор корхоналар фаолиятининг аудити». (5A230902-“Аудит (тармоқлар бўйича)”).

Илмий раҳбар: и.ф.н., доцент Рахимов М.

Тадқиқот мақсади: Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида иқтисодий ночор корхоналарда аудит ўтказишнинг назарий, амалий асосларини ўрганиш ҳамда иқтисодий ночорлик механизмини такомиллаштиришга оид тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- мавжуд адабиётларда иқтисодий ночорликка оид фикр ва мулоҳазаларни ўрганиш асосида иқтисодий ночор корхоналарда аудит ўтказишнинг назарий асосларини яратиш ҳамда умумлаштириш;

- хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлик ҳолатига тушиш сабабларини ва банкротликни тартибга солувчи меъёрий асосларини ўрганиш;

- корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги борасидаги жаҳон тажрибасини ўрганиш ҳамда улардан республикада яратилган банкротлик институтидан янада самарали фойдаланиш учун тавсиялар ишлаб чиқиш;

- иқтисодий ночор ҳолатга тушган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини аудит қилиш, такомиллаштириш ва умумлаштириш;

- иқтисодий ночор корхоналарда аудиторлик текширувининг режаси ва дастури ишлаб чиқиш;

- аудиторлик текширувлари натижаларига кўра иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини соғломлаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

- республикада иқтисодий жихатдан ночор корхоналарнинг банкрот бўлишини олдини олиш ҳамда уларда аудит ўтказиш йўли билан бошқариш тизимини такомиллаштиришга оид тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.